

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 96 (10.401) / 2005 ЙИЛ 19 МАЙ

Олий Мажлис Сенатида

## ТИНЧ БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН ЯНАДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН

Ватанимизнинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳиқатдан тинч ва барқарор ривожланиб боришини кўролмаётган, анчагина олисини кўзловчи мақсадларига эришиш учун мамлакатимизда вазиятни беқарорлаштиришга интилаётган радикал экстремистик кучлар Андижон шаҳрида содир этган ваҳшиёна жиноий ҳаракатлар умумхалқ қаҳр-ғазабини уйғотди, одамларимиз томонидан қораланди.

Бегуноҳ кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган бу қабиҳ хуруж, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2005 йил 17 май куни бўлиб ўтган мажлисида таъкидланганидек, халқимизнинг руҳини асло заифлаштира олмайди, танлаган қатъий йўлидан уни тойдиrolмайди, истиклол, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан қатъият билан боришига ҳалақит беролмайди. Жамиятни янгилаш ҳамда демократлаштириш, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш Ўзбекистонимизни ривожлантиришда бундан буён ҳам аввалгидек устувор йўналиш бўлиб қолаверди.

Бўлиб ўтган фожеали воқеаларга объектив сиёсий баҳо ўша, машъум хуруж содир этилган шаҳарга бориб, вазиятни барқарорлаштиришга улкан ҳисса қўшган Президент Ислам Каримов томонидан берилди, дейилди мажлисда. Вазиятни нормаллаштириш юзасидан қатъий, ҳар тарафлама пухта ўйланган, энг аввало уни қон тўқмай ҳал этишга, жиноятчилар қўлида гаровда қолган тинч аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳаракатлар андижонликлар ҳаётини қисқа муддат ичида одатий маромга қайтариш, жамоат тартибини ва хавфсизликни таъминлаш имконини берди.

Сенаторлар мамлакат раҳбарияти томонидан кўрилатган чораларни тўла

қўллаб-қувватлаб шуни таъкидладиларки, ҳеч бир бузғунчи куч Ўзбекистонда халқимиз танлаган конституциявий тузумни ағдариш, «мусулмон халифалиги» деб аталмиш тузилма яратиш йўлидаги қораниятларини амалга оширишга муваффақ бўла олмаслигини ҳаётнинг ўзи яна бир бор яққол кўрсатди. Жиноятчиларнинг даъвати безътибор қолганлиги, уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламаганлиги, ҳеч ким майдонга чиқмаганлиги фактининг ўзиёқ буни тасдиқламоқда. Баъзи давлатларнинг ўз демократия моделларини зўрлаб, мажбурлов билан тиқштиришга уринишлари (бундан радикал исломийлар фойдаланиб қолиш ҳаракатига тушадилар) ҳам мамлакатимизда худди шу зайл муваффақиятсизликка учраши тайин.

Сенаторлар рўй берган мудхис воқеалар натижасида мутлақо бегуноҳ одамлар, шу жумладан ақидапарастлар ҳамда хориждаги раҳнамо ва ҳомийлари топширигини бажарган кимсалар томонидан алданган ва йўлдан урилганлар ҳам нобуд бўлганлигидан чуқур таассуф билдирдилар. Содиқ бўлган воқеалар, деб таъкидлашди парламент юқори палатаси аъзолари, аҳолининг демократик тафаккури янада ривожлантириш, жамият ҳаётини либераллаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан собитқадимлик билан кенг қўламада иш олиб бориш

зарур эканлигини яна бир бор тасдиқламоқда. Фақат демократик тафаккур, дейилди йиғилишда, жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориғ этишга қодирдир. Бу масъулиятли вазифани ҳал этишда халқ сайлаган кишилар — сенаторлар фаол иштирок этишлари керак. Йиғилишда яна шу нарса таъкидландики, сенаторлар ҳокимият маҳаллий вакиллик органларининг вакиллари сифатида сайловчилар билан алоқаларини ҳар тарафлама мустаҳкамлашлари, жамиятда содир бўлаётган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ҳар хил кўринишларига қарши туришга қаратилган демократик жараёнларни чуқурлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида кенг миқёсда тушунтириш ишлари олиб боришлари зарур.

Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг хавфини тушунтиришда, навқирон авлодда ватанпарварлик туйғуси, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган ишларни ёшлар ўртасида тагин ҳам кучайтиришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш масалаларига сенаторлар алоҳида эътибор бердилар.

**XXI сағоси**  
Хаср Барча маббалардан  
олигани сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● 24-29 май кунлари Тошкент вилоятида ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида «Баркамол авлод — 2005» ўйинларининг республика босқичи бўлиб ўтади.

● Кўрғонтепа туманида Хонабод шаҳрининг 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари сай-ҳаракатлари билан 600 ўринга мўлжалланган янги иқтисодийт коллежи қад ростлади. Бу ерда замонавий анжомлар билан жиҳозланган ўқув хоналари, химия ва физика фанлари лабораториялари ҳамда спорт зали мавжуд.

● Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номида болалар мусика мактабида «Ўзбекистон кўшиқ байрами» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

● Пилла ҳосилининг дастлабки тонналари Шаҳрихон туманининг «Пилла» қабул қилиш пункти давлат корхонасига келиб тушди. Жорий мавсумда пиллачилар давлатга 262 тонна ҳосил етказиб беришни режалаштиришган.

● Конимех туманидаги «Сарибел» наслчиллик ширкат хўжалиги маркази — Янгикозгон қишлоғига тоза ичимлик суви келтирилди. Энг муҳими, барча ҳаражатларни хўжалик ўз зиммасига олди.

● Зангиота тумани машина-трактор парки жамоаси тўртта комбайн ва бошқа техника воситаларини галла ўрми мавсумига тайёрлаб қўйди.

● Тошкентдаги шахматшашка клубида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионатининг олий лига беллашувлари бошланди.

**Жаҳонда**

● Варшавада Европа Кенгашига аъзо 46 мамлакат Президентлари, Бosh вазир ва ташқи ишлар вазирлари иштирокида мазкур Кенгаш саммити ниҳоясига етди. Саммит якунида инсон ҳуқуқларини химоя қилиш, халқаро терроризм билан курашни кучайтиришга йўналтирилган Варшава декларацияси имзоланди.

● Испания парламенти ҳукуматга басқарнинг ЭТА сепаратчи гуруҳи қуроолларини топширган тақдирда улар билан музокараларни бошлашга рухсат берди.

● Доғистоннинг Қуёшли Хасавюрт районида «Ал-Қоида» эмиссари, халқаро террорчи Жарах йўқ қилинди.

● Индонезия шарқида жойлашган Папуа музофотида кеча Рихтер шкаласи бўйича 5 баллик zilзилла содир бўлди. Ҳозирча вайронгарчилик ва жабранганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда шу йилнинг 13 май куни Андижон шаҳрида содир бўлган фожеали воқеалар муҳокама қилинди.

Депутатлар ўз чиқишларида таъкидладиларки, сохта диний ғоялар билан онги заҳарланган экстремистларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қуроли хужуми Ўзбекистонда конституциявий тузумни куч ишлатиш билан ўзгартиришга, халқимизни ўзи танлаган дунёвий, демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган уринишдан ўзга нарса эмас. Мазкур жиноий хат-

ти-ҳаракатлар замирида илди-ларли мамлакатимиз сарҳадларидан ташқарига бориб тақалладиган ёвуз кучлар ётибди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш борасидаги оқилона ва изчил

сиёсатини тўла қўллаб-қувватладилар. Мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари вакиллари билан ақин ҳамкорликда, уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, олимлар, таълим, маданият ва санъат ходимлари иштирокида аҳоли ўртасида, энг аввало, ёшлар ўртасида, мамлакат

раҳбарияти атрофида янада маҳкамроқ жипшлашиш заруриятига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, мунтазам равишда тушунтириш ишларини олиб боришлари зарурлиги ўқтирилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

(ЎЗА)

Тинчлик — энг азиз неъмат

## ЮРТИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАЙЛИК

**Жуманиёз ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон халқ шоири:  
«Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак». Буюк адиб Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» асары қаҳрамонларидан бири — Юсуфбек Хожига мансуб ушбу ўзбекона лутф ҳар гал зангори экранда машҳур санъаткоримиз Аббос Баки-

ров ижросида янграганида, кўксингиз беиҳтиёр фахр-ифтихорга тўлади.

Бу ихчаму сермаъно жумлада миллатимиз, халқимиз табиатидаги тантилиқ, барикенглик ва гўзал ҳулққа хос фазилатлар шу қадар маҳорат билан сингдирилганки, уни тинглаш асносида шундай буюк халқнинг вакили эканингиздан ғурурланиш туй-

ғуси бутун вужудингизни қамрайди.

Адабиёт ва санъат, маърифат ва маънавиятнинг сеҳрли кучи ҳам шунда — у инсон қалбида эзгулик, саховат, меҳр-мурувват каби олижаноб фазилатларни жунбушга келтиради...

Афсуски, 13 май куни Андижон шаҳрида юз берган фожеали воқеалар асносида Аббос Бакиров номидаги кинотеатр ўт-олов ичида қолди. Андижон заминиде униб-ўсиб, маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган улуг санъаткор номи билан аталувчи маънавият маскани бир тўда жангарилар томонидан оёқ ости қилинди.

Давоми 2-бетда.

# ТИНЧЛИК — ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

## ЮРТИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИФИДЕК АСРАЙЛИК

Давоми. Боши 1-бетда.

Миллатимиз шон-шавкати юксакка кўтарган, маданиятимизни дунё миқёсига олиб чиққан буюк зотлардан бири — нафақат Андижон аҳли учун, балки бутун халқимиз учун ғурур ва ифтихор тимсоли бўлган Заҳириддин Бобур номи билан аталадиган театр биносига ҳам жончилар томонидан ўт куйилди.

Энг ёмони, улар мутлақо бегуноҳ кишилар конини тўкди. Бу билан улар ўзларининг инсонийликдан йироқ ваҳшиёна башарасини фош этди.

Шунинг учун Андижон аҳли уларга эргашмади, уларни қўллаб-қувватламади. Зеро, халқимизни ўзи танлаган йўлдан, озодлик, эркинлик ва бунёдкорлик йўлидан ҳеч ким ҳеч қачон оғдира олмайди. Юртбошимиз Ислоом Каримов доим қатъий ишонч билан таъкидлаганидек, халқимиз ҳар қандай шароитда ҳам ўз ғурури ва эътиқодини сақлашга, керак бўлса уни ҳимоя қилишга қодир.

Албатта, манфур ниятларини амалга ошириш йўлида ҳар қандай ёвузликдан қайтмаган бу кимсалар қилмишига яраша жазосини олади.

Зеро, Андижон фарзанди, буюк шоҳ ва шоир Бобур Мирзо айтганидек:

«Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир».

**Карима ИНОҒОМОВА, Тошкент шаҳридаги «Эшонгузар» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:**

Шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир этилган ноҳус воқеалар мени ҳам ларзага солди.

Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов воқеа ўз берган жойга зудлик билан етиб борди. Шаҳар ва вилоят жамоатчилиги, маҳалла фаоллари билан учрашиб, вужудга келган кескин вазиятни бартараф этиш учун барча зарур чораларни кўрди.

Андижонда юз берган воқеалар эришадиган ютуқларимизни қўрқолмайдиган кучларнинг юртимиз осойишталиги ва тинчлиги, мустақил тараққиётимиз йўлига раҳна солишга сурбатларча уринишининг яна бир кўринишидир. Улар ўз ёвуз ниятига эришиш йўлида ҳатто кексалар, аёллар ва болаларни ҳам аямади.

Андижон воқеаларидан, давлатимиз раҳбари журналистлар билан учрашувда таъкидлаганидек, барчамиз ўзимизга тегишли хулосани чиқариб олишимиз лозим.

Мустақилликка эришганимизга ўн тўрт йил тўлмоқда. Шу вақт мобайнида ўзликни англаш, миллий ғуруримизни тиклаш,

виждон ва дин эркинлиги, юртимизда яшаб ўтган мўътабар зотлар руҳини шод этиш, айниқса, халқ фаровонлигини юксалтириш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бу эришган ютуқларимизнинг барчасини қадрлаш, асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Айни вақтда Андижон воқеалари бугунги кунда аҳоли ўртасида олиб борилаётган маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишлари таъсирчанлиги ва самарадорлигини, ҳушёрликни янада ошириш лозимлигини кўрсатди. Бунда билиб-билмай турли зарарли оқимлар таъсирини тушиб қолиш эҳтимоли бўлган ёшларни, адашганларни тўғри йўлга солиш ҳар биримизнинг долзарб ва масъулиятли вазифамиздир.

ЎЗА

**Мавлуда ИСМАТОВА, Ўзбекистон Тухрамони, Юнусобод туманидаги 273-мактаб директори:**

— Айни кунларда Андижон шаҳрида бўлиб ўтган ноҳус воқеалар нафақат катталар балки ёшлар қалбида ҳам нафрат туйғулари охири бўлди. Мактабимизда юқори синф ўқувчилари ўртасида давра суҳбати ўтказиб, ёшларнинг бу хунрезликларга бўлган муносабатлари, фикр-уйлари билан қизиқдик. Бундай савол-жавоб тарзида ўтказилган мулоқотимизда ёшларнинг қалб сўзларини тинглаб, уларнинг фикрлари янада теран эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

— Шундай Ватанда ўсиб улғаяётганимиздан бахтиёримиз, она Ватанимиз билан фахрлишимиз керак,— дейди 9-синф ўқувчиси Зилола Ибрагимова.— Ватан ўз уйимизку, нега ўз уйимиз, осойишталигимизни бузишга уринишмоқда? Бизнинг шундай бахтли ҳаётимизни, шу озод ва обод Ватанимизни қўрқолмаётган қабих ниятли кимсалар ким ўзи, уларнинг мақсади нима? Шу заминда туғилиб ўсган, шу она Ватанда кўз очмаганими ахир улар? Наҳотки уларнинг ота-оналари, жигарлари йўқ бўлса бу заминда. Бузғунчи кимсалар нафақат ўз Ватанларига, балки ўз ота-оналарига ҳам хиёнат қилаятилар, уларга қарата ўқ отаятилар гўё. Бу ноҳус кимсаларга нима етмайпти ахир. Биз ёшлар бундай ёвуз ниятли кишиларнинг қилаётган ишларини доимо қоралаймиз. Келажаги порлоқ бўлган Она Ватанимизни гараз ниятли кимсалардан ҳимоя қилишга доимо тайёримиз.

— Бизнинг порлоқ келажагимизга раҳна солиб, ўзларининг мудҳиш ниятларини амалга оширмоқчи бўлаётган кимсалар ҳеч қачон мақсадларига эриша олмайдилар. Ҳеч қандай ёвуз кучлар биз-

ларни қўрқита олмайди, ҳеч қандай тўсиқ бизларни енгиб ўтолмайди,— дейди 10-синф ўқувчиси Азиза Ҳақимова.— Биз ёшлар мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳар бир қарич ерини муқаддас биламиз ва уни кўз қорачигидек асраш учун дадиллик билан олға интилиб, ҳар қандай ёвуз кучларга қарши тик бора оламиз. Чунки бизнинг қалбимизда пок ниятлар, улф мақсадлар бор. Бизнинг она Ватанимизни ҳар қандай қабих ниятли кимсалардан ҳимоя қилишга кучимиз ва билимимиз етарли.

Ёшларимизнинг бундай ўткир ва дадил фикрларини тинглаб, мустақил Ўзбекистонимиз келажаги мана шундай ақли теран, билимли ёшлар қўлида эканлигидан фахрландим. Уларнинг қалбларида туғён ураётган она Ватанимизга бўлган меҳр-муносабатлари, ёвуз кимсаларга нисбатан нафратлари яққол сезилиб турди. Дарҳақиқат, Ватан саждагоҳ каби муқаддас, унинг бир қисми тупроғи ҳам кўзимизга тўтиядир. Буни англаб етиш, Ватан тушунчаси, Ватан қадрини, тинчлик деган олий неъмат тушунчасини ёшлар онгига синдириб бориш бугунги кунда ҳар бир педагогнинг масъулиятли бурчи эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раҳбари, санъат арбоби:**

— Андижон шаҳрида бўлиб ўтган бир гуруҳ экстремистларнинг қуроли тажовузулари Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг кўксига мисоли бир нашта бўлиб санчилди. Шундай обод ва озод Ватанда, ҳур замонда яшаб, ҳаёт кеңиришининг ўзи бир бахт эмасми? Жамиятимизнинг, миллатимизнинг шаънига доғ тушираётган бу манфур бузғунчи кимсаларни ким деб аташ мумкин? Динимизни ниқоб қилиб олиб, турли хил ваҳшийликларни, хунрезликларни амалга ошираётган, злу юрт нафратига, лаънатига, қаршига учраётган бу аблаҳлар ўз қилмишларининг жазосини тортгусидир. Зеро, ноҳақ тўкилган қонлар, бемаврид бу ҳаётдан кўз юмган бегуноҳлар, чирқираб қолган етимлар, бўзлаб қолган оналар, бева қолган аёллар нолаи уларни ҳеч қачон тинч қўймайди. Она юртимизнинг гўзаллигини, фаровонлигини, тинчлигини қўрқолмаётган бир тўда қабих ниятли нопок кимсаларнинг разилона уй-хаёллари ҳеч қачон амалга ошмайди. Президентимиз айтганларидек эркин, демократик фуқаролик жамияти талабларига тўлиқ жавоб берадиган юксак тараққиётга эришиш йўлидан бизни ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди.

### ПОЙТАХТНИНГ бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

#### ҚИСҚА

● **КЕЧА** "Сувмаш заводи" очик акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган йиғилишда Андижонда содир этилган террорчилик ҳаракатининг мудҳиш оқибатлари хусусида сўз борди.

● **КЕЧА** 289-мактабда ўтказилган "Огоҳ бўлайлик" мавзуидаги тадбирда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **БУГУН** Тошкент юридик коллежида "Терроризмга қарши кураш" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус касбхуна таълими муассасалари ўқувчилари иштирокида бўлиб ўтадиган абитуриентлар сайли "Қамолот" ЁИХ Яққасарой туман Кенгаши томонидан уюштирилмоқда.

● **КЕЧА** "Баҳор" маҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда фаоллар терроризм ва унинг оқибатларини кескин қоралашди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги "Ўзавтосаноат" очик акциядорлик жамиятида ўтказилган йиғилишда она Ватан қадри, тинчликнинг моҳияти ҳақида сўз борди.

● **ЎТГАН** куну Учтепа туман ҳокимлигида "Қамолот" ЁИХ ташаббуси билан "Қамолот" етакчилари иштирокида уюштирилган тадбирда "Қамолот" ЁИХ туман Кенгаши томонидан шу кунгача бажарилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** Аббос Хидоятлов маҳалласида Учтепа туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ЁИХнинг туман бўлимлари ҳамкорликларида ўтказилган кўрик-танлов "Ибратли оилалар" деб номланди.

● **ЎТГАН** куну Миробод туманидаги 110, 263, 328-мактабларда ўтказилган "Огоҳликка даъват" мавзуидаги тадбирларда қатнашган ёшлар терроризм, диний экстремизм ва унинг салбий оқибатларини кескин танқид қилишди, тенгдошларини ўзаро ҳамжихат бўлишга, бирлашишга даъват этишди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

### Ёшлар — келажагимиз

## ҒОЛИБАГА МУНОСИБ СОВҒА

Мамлакатимизда йилдан йилга истеъдодли, билимли, ўткир зехнли ёшлар сафи ошиб бормоқда. Чунки мустақил Ўзбекистонимизда келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг ҳар томонлама билими ва қомил инсон бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Айтиш жоизки, республикамызда бир неча йилдан буён сеvimли шоирамиз Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндорлари аниқланиб, муносиб тақдирланаётганлиги ҳам ана шу гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Бу йилги совриндорлар орасида Тошкент шаҳридан фан йўналиши бўйича Тошкент Давлат юридик институтининг 2-босқич магистранти Наргис Мейлиева ушбу мукофотга сазовор бўлди.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлигида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг

совриндори Наргис Мейлиевага шаҳар ҳокимлигининг совғаси — компьютер жамламаси топширилди ва келгусида ғолибанинг ўқиш ва ишларида омадлар тилашди. — Ҳукуматимиз, айниқса Юртбошимиз томонидан менга билдирилган юксак ишончдан ниҳоятда бахтиёрман,— дейди Наргис Мейлиева.— Бу юксак ишонччи оқлаш учун бор билим ва салоҳиятимни янада ошириб, келгусида мустақил Ўзбекистонимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ўзининг муносиб ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда ушбу мукофот соҳибалари — Ойдин Абдуллаева, Наргиза Тўхлиева, Дилором Бердиева, Малика Раҳмонбекова, Қамола Эрматова каби истеъдодли, ўткир зехнли қизлар ўз йўналишлари бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Уйлаймизки, Наргис Мейлиева ҳам ўз билимини янада бойитиб, илм чўққиларини забт этиб, мустақил Ўзбекистонимиз раванолигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади албатта.



Гулором ХАМИДОВА СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофотининг совриндори Наргис Мейлиева.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.

Санъат

ОРКЕСТРНИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри концерт репертуари янги муסיқалар билан бойланди. Бу ижодий жамоа "Илхом-XX" халқаро муסיқа фестивали муносабати билан жаҳонга машҳур бўлган композиторларнинг бир неча янги асарини ҳам ўз дастурига киритди.

Таниқли Австрия композитори Арнольд Шонбергининг бир йўла иккита муסיқаси ҳам муҳлисларга тақдим этилди. Бундан ташқари голланд виолончели Франс-Мари Ютти, моҳир пианиночи Марат Мақсудов ва бошқа созандаврлар ижросида янграган муסיқалар ҳам завқ-шавқ уйғотди.

Тошкент "Илхом-XX" халқаро муסיқа фестивалига асос солинганлигининг ўн йиллигига бағишларда уюштирилган концерт дастурлари республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеага айланган.

СТУДИЯДА ИЖОДИЙ ЛАБОРАТОРИЯ

Тошкентдаги "Илхом" театр-студиясида ёш режиссёрлар лабораторияси ўз фаолиятини бошлади. Марказий Осиё республикаларидан келган умидли санъаткорлар учун ташкил этилган бу маҳорат мактабида ҳозир 20 нафар тингловчи қатнашмоқда.

Театр-студиянинг бадиий раҳбари Марк Вайл саъй-ҳаракати билан олиб борилаётган машғулотлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Бўлажақ сахна постановкачилари амалий кўникмаларини ошириш мақсадида Тошкентдаги театрларга ижодий сафарлар ҳам ташкил этилмоқда.

Республика кўғирчоқ театри, республика Ёш томошабинлар театрида кечаётган ижодий жараёнлар ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

ҲАЯЖОНЛИ ФИЛЬМЛАР

Ил ҳаҳон урушида қозонилган Галабонанг 60 йиллиги муносабати билан жойларда ижодий тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Тошкентдаги кино музейида ташкил этилган фильмлар фестивали дастуридан урушга бағишлаб суратга олинган экран асарлари ҳам ўрин олди.

Полша кино усталари томонидан яратилган "Пианиночи" фильми ҳам томошабинларни ҳаяжонга солди. Машҳур поляк муסיқачиси Владислав Шпилман ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур постановка халққаро кинофестивалларда совринли ўрин билан тақдирланган.

Бундан ташқари "Анна Франк кундаликлари", "Корчак", "Икки ака-ука" каби экран асарлари ҳам кўрсатилди.

Акбар АЛИЕВ

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

Шарқда азал-азалдан оила муқаддас саналган. Оиланинг маънавий-ахлоқий қиёфаси аждодларимиздан бизга ўтган билим ва тажриба, маданий қадриятлар асосида замондошларимиз эришган ютуқлар негиздан барпо бўлади.

Яқинда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро Оила кунига бағишлаб «Оила-муқаддас Ватан» деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фаридна Абдураҳимова очар экан жумладан шундай деди: «Мамлакатимизда Президентимиз томонидан оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича самарали ишлар олиб боришмоқда. Биз оила деганда биринчи навбатда аёлни, фарзандни тушунашимиз. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, оилани оила қиладиган, унга файзу барока киритадиган ҳам мана шу аёллардир. Бугунги кунда оила, унинг муаммолари доимо давлатимиз, жамияти-миз эътибори марказидадир. Зеро,

муқаддаслиги, унга ҳукумати-миз томонидан қўрсатилаётган ҳамхўрлик ва эътибор ҳақида фахр билан сўзлашди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар «Оила» маркази ва Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур байрам тадбирида маҳаллаларда узок йиллар тотув яшаб келаётган намунали оилаларнинг «Саодатли умр соҳиблари» ҳамда ёш келин-куёвлар «Ёр-ёр» садолари остида сахнага чиқди. «Ёш оила мактаби» йўналиши бўйича келин-куёвлар ўртасида ҳуқуқий, тиббий, оилавий масъулларда савол-жавоб висторинаси ўтказилди. Тадбир давомида шунингдек, «Оила-муқаддас даргоҳ» мавзусида плакатлар кўргазмаси, «Тадбиркор аёл-фаровон оила» шiori остида тадбиркор аёлларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмаси намойиш этилди. Шу билан бирга «Менинг оилам» мавзусида асфальтга расм чизиш бўйича кўрик-танлов, «Отам, онам ва мен — оилавий спорт» эстафета спорт мусобақалари бўлиб ўтди. Чилонзор туманидаги Глиэр номи маданият уйининг «Севинч» дастаси раққосларининг гўзал раққлари ҳамда хаваскор хонандларнинг дилрабо куй-қўшиқлари байрам тадбирига ўзгача файз киритди. Ниҳоятда қизиқарли ва мазмулли ўтган тадбир сўнггида бўлиб ўтган



кўрик-танлов, спорт мусобақалари, тадбиркорлар кўргазмаси бўйича голиблар аниқлиб, улар ҳомиёрлар томонидан Фаҳрий ёриқлар, диплом ва эсдалиқ совғалари билан тақдирландилар.

Байрам тадбири давомида биз оила, унинг муқаддаслиги борасида иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдик.

Гулнора ЙЎЛЧИЕВА, Тошкент шаҳар «Оила» марказининг раиси:

— Бугунги тадбирга нафақат кексалар, балки ёш оилалар ҳам жалб қилинган. Мақсад мана шу ёшларга оила муқаддас эканлигини, оила-Ватан ичра Ватан эканлигини, уни хурматлаб мустаҳкамлаш, ардоқлаш зарур эканлигини тушутиришдан иборатдир. Маълумки, кечагина Андижон шаҳрида бўлиб ўтган ноҳуш воқеалар барчамизни қаттиқ ташвишга солди. Уйлаимки биз катталар Ватанини ардоқлаш, уни севиш ва ёт унсурлардан ҳимоялаш, Ватан, оила саҳнадоҳ каби муқаддаслигини ёшлар онлига сингдириб боришимиз зарур. Оила кунини нишонлашдан мақсад ҳам шундир.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро Оила кунини муносабати билан ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжihatликка эришилади. Маҳаллалардаги тинчлик эса давлатда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суришининг омилдир».

Байрам тадбирида шунингдек Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари Гулнора Маъруфова, Ўзбекистон халқ шoirи Ойдин Ҳожиёвалар сўзга чиқиб оиланинг

Бозор иқтисодиёти шароитида, рақобат кучайиб бораётган бир пайтда қайси бир соҳани олмайлик, унинг бугуни, эртанги кунини ва истиқболни биринчи навбатда тибилан ўлчанади, аниқроғи бевосита истеъмолчига боғлиқ десак адашмаймиз. Чунончи, тасаввур қилингки, сиз кўрсатилмаётган хизматни ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг харидорисиз, демек, унга ҳақиқий баҳони ҳам истеъмолчи беради. Сиз ўша хизматдан ёки товардан қайта яна қачон фойдаланасиз? Агарда сифати қониқтирсанига, маъқул келмасанига... Афсуски, бизнинг истеъмолчи сифатида манфаатларимиз бир қанча қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар асосида ҳимояланса-да, бироқ, очигини айтиш керак, истеъмолчилар ҳисобидан кун кўраётган субъектларнинг ҳаммаси ҳам замон талабига, мос равишда фаолият юритишга манфаатдор эмас. Албатта, бундай ҳолатларда ҳуқуқи поймол бўлган киши фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиши шарт эмас. Зеро, бу борада кейинги йилларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари фаолияти анча жонланган ва таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу жамоат ташкилотларининг таъинимаси ҳам кенгайиб бормоқда. Жумладан, туманлар миқёсидаги жамиятлар ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда Учтепа тумани ташкилот илк қадамларини кўраётган бўлса-да, баъзи масалаларда амалий кўрсаткичларга эришишга улгурди. Шу хусусида туман истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти раиси Дониёр Рустамов бизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Жамиятнинг асосий вазифаси аҳолининг иқтисодий-иқтисомий, ҳуқуқий маъраатларини ҳимоя қилишга қаратилган ва бу борада ўз ваколатидоҳрасида тегишли қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва фармойишлари, ҳукумат қарорлари, бошқа меъёрий ҳужжатларга тананган ҳолда иш юритилади.

Асосий иш фаолиятимиз шу йилнинг февраль ойидан бошланадиган десак тўри бўлади. Туман жамиятининг узок муҳлатдан бери «музабих» қўйилган ҳисоб рақами ниҳоят тикланди, шу жумладан шtat жадвали, иш режалари тасдиқланиб, бўш ўринлар тақриблиги мутахассислар ҳисобига тўлдирилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, қилган ишларимизнинг натижалари аста-секин кўрина бошлади.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида 5 та қорхона ва ташкилот ишчи-ҳодимлари, 20 дан зиёд умумтаълим ўқув юртлири ўқувчи ва юқори синф ўқувчилари иштирокчида истеъмолчи ҳуқуқлари мавзусидаги семинарлар ўтказилди. Айни пайтда жамиятимиз сифатини кенгайтириш, хусусан, аъзоларимиз сонини 1000 тага етказиш борасида ҳаракат қилиялмиз. Бунинг учун биринчи на-

вбатда истеъмолчиларнинг ишончини қозонишимиз даркордир. Аҳолидан турлашган шикоят ва аризаларнинг вақ-

229 ва 194-мактаб ўқувчилари Н.Васов, А.Одилов ва О.Заворошья юқори ўринларга элгаллаб, қимматбах соғва ва мах-

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИ МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ

танда ва ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шу кунга қадар 20 га яқин ёзма ва оғзаки аризалар қонунчилик доҳрасида истеъмолчилар ҳисобига ҳал этилди. Тошкент шаҳар «Сувос трести» унлар қорхонаси томонидан ўтказилган лотереяда фаол қатнашдик.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмасининг қўшма буйруғига асосан «Қамолот» ёшлар иқтисомий ҳаракатининг туман кенгаши билан ҳамкорликда ўтган ойда мактаблар ўртасида «Энг азукро ёш истеъмолчи» кўрик-танловини ўтказдик. 19 апрель кунини бўлиб ўтган тадбирнинг туман босқимда 107,

сус дипломлар билан тақдирланди. Биринчи ва иккинчи ўрин соҳиблари шаҳар кўрик-танловида ҳам яхши натижаларга эришди.

Шу билан бир қаторда жамиятимиз ҳодимлари ва аъзолари Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан «Тошкент» телеканалда ташкиллаштирилган телемулоқотларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Шунингдек, жамиятимизга бириктирилган Чилонзор Г-9-А, 13 ва 26-мавзелири худудини ободонлаштириш, қўп қаватли уйлларда таъмирлаш ва бошқа хайрли ишларда фаоллик кўрсатмоқда.

Асосий иш фаолиятимиз доҳрасида шаҳар ИХҚ жамиятлари худудий бирлашмаси топшириғига бинан туманда жойлашган 3 та бозорда қўриқилиш мол-

Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистон республикаси маданияти кунлари бошланди.

ЧИН УЗРА ЎЗБЕК НАВОЛАРИ

Ўтган йили мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси маданияти кунлари катта муваффақият билан ўтганлиги яхши маълум. Ушанда тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари, самарқандликлар Хитой цирк усталарининг маҳоратига қўйил қилиб, уларнинг ҳар бир чиқишларини олқишлаб кўпиб олган эдилар. Хитой халқ чолгу асбоблари оркестрининг концерти ҳам томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Хитой Халқ Республикаси Маданият вазирилиги ўз навбатида ватанларида Ўзбекистон республикаси маданияти кунлари ўтказишни тақлим этди. Мана, Чин узра ўзбек наволари қанот қақа бошлади...

Ўзбекистонлик санъат усталари Пекин ва Шанхайда халқ миллий ва мумтоз қўшиқ куйлари, хоразмча «Лазги», «Андижон полкчаси», бошқа жозибдор рақслардан иборат концерт дастурини намойиш этидилар. Хитойлик санъат илҳосмандлари Ўзбекистон халқ артистлари Муножат Йўлчиева, Зулайхо Бойхонова, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистон халқ хоҳизини Улмас Саиджонов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Матлуба Дадабоева, Мавлуда Халилова, Тожибархон Азизова, Сойибжон Нейзлов, «Шарк тароналари» халқаро фестивали голиби Абдунаби Иброҳимов, макомчилар, «Баҳор», «Тановар», «Ўзбекистон», «Ўзбекистон юлдузлари» раққослари, «Осиё» гуруҳи қарнайчилари чиқишларини томоша қилдилар. Маданият кунлари қатнашчилари таркибидан ёш истеъмолчи эстрада артистлари — «Нихон» муқофоти лауреати Ирода Йўлдошова, Азиза Ниёзметова ва бошқалар бор.

Маданият кунлари доҳрасида Ўзбекистон рассомлари асарлари, республикамиздаги тарихий ва археологик ёдгорликларни фотосуратлари кўргазмалари ҳам намойиш этилди.

Хитой Халқ Республикасида Ўзбекистон маданият кунлари 23 майгача давом этади.


Дониёр ЭРКИНОВ

лари бўйича, тасдиқланган режа асосида нон ва нон маҳсулотларининг аҳолига сифатли етказиб берилиши ҳақида айрим қорхона, ташкилот ва муассасаларда «Сўғат-саломатлик йили» давлат дастури баҳарлилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилди ва натижалари бўйича тегишли хулосалар чиқарилди.

Фаолиятимиз тикланиб, самарали кўрсаткичларга эришишимизда туман ҳокимлиги, ҳокимнинг ўзи томонидан кўрсатилган эътибор хусусида гапириб ўтишни жоиз деб биламиз. Бир томондан ташкилотимизга ҳокимлик томонидан етарли даражада шарт-шароитлар яратиб берилганлиги ишчимизни энгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан туман ҳокими фармойиши билан барча тузилмалар туман ИХҚ жамияти ҳодимлари билан биргаликда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларни уюштириш, тарбият ишларини олиб бориш, аъзолар сифатини кенгайтиришда яқиндан ёрдам кўрсатаётгани ўз ижобий натижасини бераётди. Зимамизда қўп вазифалар турибди. Асосий фаолиятимиздан ташқари, хайрли ишларда ҳам фаол қатнашиш ниятидамыз. Шу жумладан болалар спортини ривожлантириш, аҳолининг кам таъбиятларига қатламларига ёрдам кўрсатиш борасида бир неча лойиҳалар қўзда тутилмоқда ва бу йўналишда, шубҳасиз, турли жамоат ташкилотлари билан тажриба алмашиш мақсадида ҳамкорлик ўрнатилиши ниятимиз бор.

Хулоса ўрнида туман ва шаҳаримиз аҳолисини мулоқотга чорлаб, 74-08-81 телерини орқали ўз фикр-мулоҳазалари ва тақлифлари билан доимий равишда мурожаат этиб боришларини сўраб қоламиз.

Висирона НАЗАРОВА, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини магистранти.



Футболни бежизга “миллионлар ўйини” дейишмайди. Негаки, футбол гарчи Бразилияда пайдо бўлган эса-да, қиска фурсат ичида бутун дунёда ўз ўрнига эга бўлган спорт тури саналади. Не тонгики, юртимизда ҳам футбол оламининг чакноқ юлдузлари бисёр. Агар ўтган асрнинг 60-70 йилларида Биродар Абдурайимов ўзининг бетакрор комбинациялари билан мухлислар қалбини ром этган бўлса, “Пахтакор-79” нинг фожеали ҳалокати миллионлаб мухлислар қалбини ларзага солгани рост.

Суратдаги болакайга яхшироқ разм солинг. Мурғак нигоҳларда оламий орзулар лиммо-лим. Бир кун келиб у жаҳоннинг йирик ўйингоҳларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишига ишонгинг келади. Демакки, футболимиз келажаги ишончли кўлларда.

Сизларга мактуб йўллашимдан мақсад, газета саҳифаларида ичкиликнинг зарари ҳақидаги мақолаларни кўпроқ чоп этинглар. Илкони бўлса хонадонимизга ташриф буюринглар. Анвар акани кўриб, ароқ чиндан ҳам касофат эканлигига гувоҳ бўласизлар. Зораки, бизнинг уйдаги воқеалар ёшларда спиртли ичимликларга нисбатан нафрат туйғуси шаклланишига ёрдам берса. Сизларга ҳурмат ва эҳтиром ила Лутфи.

Албатта тахририятга ҳар куни мактублар келади, муштарийларнинг телефон кўнғироқлари орқали ҳар хил масала ва муаммоларни тинглашга тўғри келади. Очиғи, мактублар орасида ароқнинг зарари тўғрисида оилаларда юз бераётган ноҳуш воқеалар битилган арзномалар ҳам учрайди. Бу табиий ҳол. Спиртли ичимликнинг салбий оқибатлари ҳақида ҳамма билади. Бирок...

Лутфихон опанинг ёзишича Анвар ака ни-мадандир қаттиқ ранжигану, аламини ароқдан ола бошлаган. Қизиги, Анвар ака қалбини жумбушга келтирган воқеа нима бўлди экан? Лутфи опадан қандай хатолик ўтдики, у киши бундай аҳволга тушди? Ана шу саволлар бизни қизиқтириб қўйдию мактубда кўрсатилган манзил томон йўл дик.

Анвар аканинг ҳовлиси шаҳримизга таш Тошкент вилояти туманларидан бирида жойлашган, анча баҳаво жойлар экан. Энди-энди одамлар ўзларига бириктирилган ерларга иморат қуришяпти. Хали кўпчиликнинг учаскасига тўлиқ битмаган. Анвар ака эса ўзининг қурилишни ниҳоясига етказиб шу ҳовлига кўчиб келган экан.

Ёқодан ишланган нақшинкор, зангори рангли дарвоза олдида Лутфихон опа бизни узоқ куттириб қўймади. Кўнғироқ тугмачасини бошимиз биланчоқ пешвоз чиқиб ҳовлига таклиф қилди. Чамаси саккиз сотихча келадиган ҳовлининг юқори қисмига тўрт хонали уй, олди айвон дид билан қурилган. Дарвоқе, ҳовлида турли-туман гуллар чаман бўлиб очилиб турибди. Шуниси эътиборлики, ўрик дарахти ёнидаги супадада 48-50 ёшлардаги киши дам олаяпти. Хонтахта устида чойнак ҳамда пивела, тўғралган бодринг, помидор, остида эса ароқ шишаси. Бу киши Анвар ака эканлигини пайқайди.

— Ассалому алайкум, — кўришиш учун қўл узатди. — Ваалайкум ассалом. Келинлар, сизларни танимайроқ турибман, — Анвар ака хушламайгина алик олди. Унинг ширакайф эканини пайқаш қийин эмасди.

— Тахририятдан келишибди, — тушунтира бошлади Лутфихон опа бамайлихотир,


— буларни мен чақиргандим. Ҳозир ҳам бешта-бешта қилиб ўтирибсизку. Бир кўзлари билан кўриб қўйишин, дегандим. — Ҳе, ўргилдим сендақа билагондан. Мухбирларни уйга чорлаб ёрдам кутгандан кўра, бошида хато қилмагин эди хўпми, — Анвар аканинг овозида зарда сезилди, — ичавераман тушундингми?

Эр-хотин ўртасида можоро бошланиб кет-

Бугун ҳам эътиборингизга “Хатлар — ҳаёт ойнаси” саҳифаси материалларини ҳавола этаётимиз. Бизни шу жиҳат қувонтирадики, ушбу саҳифа материалларига ёшу қари бефарқ эмас. Буни сиз азизлардан келаётган мактублар, телефон кўнғироқлари яққол исботлаб турибди. Эътиборлиси, бирор-бир воқеа ҳақида нафақат 50-60 ёшни қоралаган фахрийлар, балки энди-гина мактаб остонасидан хатлаб ўтган, мустақил ҳаётга қадам ташлаш арафасида турган йигит-қизларимиздан ҳам мактублар олаётганлигимиз меҳнатларимиз бесамар кетмаётганлигидан нишона. Шунга таъкидлаш жоизки, тахририятимизга сиз азизлардан кўплаб мактублар келмоқда. Сиёсий, ижтимоий, маданий жабҳаларда юз бераётган жараёнларни таҳлил қилиш, баъзида танқид қилиш, таклифу мулоҳаза билдиришда ёшларнинг дадиллик қилаётгани кўнгилларга завқ-шавқ бағишлайди. Шу боис ҳар саҳифада, ҳар саҳифа материаллари сиз азизларнинг мактубларингиз асосида тайёрланган. Сўзимиз ниҳоясида эса биз билан ҳамкорликни асло бўшаштирманг, кўпроқ хат ёзинг, тахририятга сим қоқинг деб қоламиз. Зеро, ҳамкорлик доимо самара беради. Манзилимизни яна бир қарра эслатамиз. Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, “Тошкент оқшоми” газетаси тахририяти.

133-08-74, 136-55-83 телефонларига сим қоқишни унутманг.

# Хатлар — ҳаёт ойнаси



тамнинг ёрдами билан кўшма корхонада ишлаш бошладим. Аввалига бўлим мудири бўлдим. Кейинчалик ўринбосарликка кўтаришди. Ҳозир раҳбарман. Нима учун аламининг ичкиликдан олаётганимни тушунгандирсиз, ука.

— Ношукур банда, — деди гапга аралашиб Лутфихон опа, — еганингиз олдинда. Обрў-эътиборингиз жойида. Дадамга ра-

ми», деса бўладими? Ер ёрилмади ерга кириб кетмадим.

Эр-хотиннинг тортишуви узоқ давом этди. Бу орада Анвар ака яна икки марта «юзта-юзта» қилганди, кайфи ошиб тамом эс-ҳушидан айрилди. Энди у ўзича нима-ларнидир чулдирар, орасида хотинини сўкиб қўярди.

Воқеани синчиқлаб кузатдик. Шу нарсага амин бўлдикки, оиладаги келишмовчиликлар, асаббўзарликлар, бир сўз билан айтганда, айтаман Анвар акани ҳам Лутфихон опани ҳам танг аҳволга солиб қўйган. Дарвоқе, уй соҳиби ўзи англади-ми ёки йўқми, буниси бизга қоронғу, албатта, рашқ ўтида қовурилиб, ичкиликка муккасидан кетган «Рашқ ўти ёмон, оламини куйдиради», деганлари шу бўлса керакда. Албатта эркак аёлини рашқ қилиши лозимдир. Лекин ҳар бир ҳаракатда ҳам меъёр бўлмоғи, аввало узоқ йиллик меҳру муҳаббат ҳурмати ўзаро ишонч риштаси билан мустақамланмоғи даркор эмасми?

Хулоса ўрнида нима ҳам дердик. Оила — мустақам кўрғон эканлигини, уни кўз қорачигидек асраш учун эру хотин бир-бирига қурақдан ишонмоғи, бир-бирини чин дилдан севмоғи, жилла курси оила ҳурмати учун ҳам бир-бирини севмаган тақдирда асраб-авайламоғи зарур ва шарт. Аслида оилаларда юз бераётган келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар замирида беҳуда рашқ ва гийбат гап ётади. Ҳеч қачон оиладаги хафзагарчилик арзийдиган баҳонадан келиб чиқмаган. Биз оила бошлиқлари бўлиш эркакларга, рашқ қилмаган, бу кераксиз ҳиссиёт, демоқ фикридан йироқимиз. Фақат ҳар бир иш меъёрида бўлишини хоҳлаймиш холос.

**ТАХРИРИЯТДАН: ушбу ҳаётий воқеа ёшлар учун мактаб вазифасини ўтар дея умид қиламиз. Негаки, кейинги йилларда мана шу каби арзимас воқеаликлар сабаб қанчадан-қанча оилалар барбод бўлмоқда, фарзандлар эса тирик етимга айланмоқда. Бу нафақат ўша оилалар, балки жаҳоннинг ҳаётининг ҳам гулланган-яшнашига салбий таъсирини кўрсатади. Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ишонч туйғуларни йўқолган жойда албатта нафрат, ёвузлик, ахлоқсизлик, гийбандлик, ичкиликбозлик, фохишабозлик, жиноятчилик кўпаяди. Биз эса мактуб эгалари Анвар ака ва Лутфи опаларнинг ўз хатоларини тушунган ҳолда ҳаёт йўлларини энга солиб олишларига ишонамиз. Шу сабаб ҳам мактуб эгалари манзилига исми шарифларини ўзгартирган ҳолда воқеани баён қилдик. Бундан қандай хулоса чиқариш эса газетхонлар эътиборига ҳавола.**

**Анвар ЙЎЛДОШЕВ**

### Мактуб йўлга қорлади

## МУҚАДДАС ҚЎРҒОННИ АСРАБ-АВАЙЛАЙЛИК

«Турмуш ўртоғим ичкиликка муккасидан кетди-ю, ҳаловатим йўқолди. Ҳар куни уруш, ҳар куни жанжал. Дилсёнликдан бошим чикмай қолди. Очиғи, доимий ароқ истеъмол қилиш кишини хароб аҳволга соларкан. Соғлиғидан айрилгани эса дард устига чипқон бўлди. Авваллари ахил, иноқ, тотув яшардик. Ҳамма бизнинг оилага ҳавас қиларди. Тўғри, эрим ахён-ахёнда тўй-ҳашамларда ёки зиёфатларда кайфиятини кўтариш, бироз бўлсада хурсандчилик қилиш мақсадидагина ароқ ичарди. Омади келиб ўзи ишлайдиган корхонага раҳбар бўлди. Аввалига ҳақиқатан ҳам ароқ ичмади. Аммо, кунларнинг бирида ўзим ҳам бир хатоликка йўл қўйдим, Анвар ака буни бошқача тушунди чоғи. Ўзининг айтишича, аламиндан ичадиган бўлди. Анвар акага тушунтирдим, ялиндим, ёлвордим, фойдаси бўлмапти. Муттасил ичавеганидан жигари хасталанди, соғлиги яхшимас. Бир неча марта шифохонада даволаниб чиққанига қарамай, барибир саломатлиги аввалгидек эмас.

ди. Табиийки ноқулай аҳволда қолдик. Буни сезган Лутфихон опа бизга ижозат бермади. Хуллас, Анвар ака ҳамда Лутфихон опа билан суҳбатлашишга азму қарор қилдик.

— Майли укалар. Сизларга ҳаммасини гапириб бера қолай, — сўз бошлади Анвар ака, — фақат айбга буюрмайсиз, аввал юз грамм отиб олай. Сизларга ҳам қўйиб берайми?

Биз рад этдик. Аммо, у кишига ачиндик. Нахотки, Анвар ака ароқнинг қулига айланган бўлса? Ахир бунинг охири воёку.

Суҳбатдошимиз ароқ қуйилган пивелани сипқорар экан, гўё ҳаёлимиздан кечган фикрларни пайқайдиганек яна сўзлаш бошлади.

— Мени ҳаёти издан чиққан, ароқхўр экан деб ўйлаясизлар, шундайми? Лекин бу киши нега ичаяпти? Ҳозирги ҳаётдан мамнунми, деган ўй келдини бошингизга?

Лутфихон опа «яна бошланди», дедю юзини терс ўгирди.

— Юзингизни бурманг, хоним, — Лутфихон опага деди Анвар ака, — диққат билан эшитинг. Биз бахтли оила эдик. Каминга аёлимни ниҳоятда севар, еру кўкча ишонмас эдим. Аслида архитекторман. Лекин опангизнинг шарофатлари билан бирор кун ҳам ўз соҳамда ишламадим. Мен ёлғирликна, даромад келтирадиган ишда ишлашим шарт эмиш. Қайнотам амалдор. Шу боис опангизнинг таътиқлари остида қайно-

мат дейиш ўрнига нолийсиз. — Ана шунақа, ука, — сўзини давом эттирди Анвар ака, — ҳар куни шу иддао. Еган-ичганим татимасча ҳам Лутфини жондан ортиқ кўрганим сабаб бу ҳаётга рози бўлиб тотув яшаб юргандик. Аммо...

— Нима, аммо, яна ўша эски гапми? — Лутфи опа тутатиқ эрининг гапини бўлди, — бу кишим рашқчилар. Рашқ қилиб ичаётганмишлар.

— Рашқ қиламан-да, — хотинининг гапини шартта кесди Анвар ака, — Фахриддиннинг машинасига нега чиқдинг?

— Ҳой, барака толгур, нега ҳадеб бир гапни қайтараверасиз. Ахир у киши ўз оғайнингизку. Бекатда автобус кутиб турганимда рўпара келиб қолди. Фахриддин ака ҳам бозорга кетаётганлигини, шу боис мени ҳам бирга олиб кетиши мумкинлигини айтди холос. Албатта таниш бўлгани учун ҳеч иккиланмай машинасига чиқа қолдим. Бу воқеага ҳам бир йилдан ошди. Бу кишимнинг рашқлари ҳали тугамайди.

Анвар ака ҳамон жаҳлдан тушмасди. — Сенга юз марта айтганман. Бозор-ўчар ишларига ҳайдовчимни чақир деб. Ахир корхона раҳбариман. Буниси ҳам майликуя, чойхонада улфатлар орасида Фахриддин, «Келинни бозорга олиб бориб қўйдим. Хизмат машинанга ёрдам берсанг бўлмайди-

### Газетхон танқид қилади

## НОХУШ МАНЗАРЛАР

Мустақиллик шарофати билан ота-боболаримиз шаъни қайта тикланди. Амир Темур номини Бунинг дунё эъозламоқда. Унинг руҳини шод этмоқ мақсадида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Аммо, мен бу ҳақда сўзламоқчи эмасман. Улуғ юрtdошимиз хотираси учун бундө этилган пойтахтимиз кўрки ҳисобланмиш Амир Темур хиёбони ва Темурийлар тарихи давлат музейи атрофида кезар эканман, ноҳуш манзаралар дилимни хира қилди. Ўткинчиларнинг хордиқ чқариши учун мўлжалланган ўриндиқларнинг аксариятини шарм-ҳаёни четга суриб қўйган ёшлар эгаллаганлигини кўрдим. Жуда ҳам ачинарли аҳвол. Сабаби, бу маскан айнан пойтахтимиз меҳмонлари ташриф буюрадиган жойлар ёш йигит-қизларимиз учун севишганлар хиёбони эмаску! Меҳмонларнинг кўзлари уларга тушганда қандай ҳаялға боришларини англаш мушкул иш эмас.

Мени жуда ҳам ташвишга солган бу каби ҳодисаларни бошқа истироҳат ва дам олиш масканларида ҳам учратиш мумкин. Энг ачинарлиси баъзи ёшларимиз на андиша, на ор-номусни ҳис этмай ота-боболар ҳоқи ётган ерларни ҳам булғашмоқда. Масалан, Шаҳидлар хотира-си хиёбонида ҳам бундай манзараларни учратишга газабга тушасан киши. Қани шарқона шарм ҳаё, одоб-ахлоқ?! Қани, етмиш икки томирида ор-номусни ўлимдан ҳам устун қўйганларнинг қони оқаётган ёшлар?!

**Санжар РУСТАМОВ, талаба.**

### Машаққур ва... танбех

## «ТЕЗ ЁРДАМ» ЧАЛҒИМАСИН ЁХУД ХОНАДОНИНГИЗНИНГ РАҚАМИ БОРМИ?

Яқинда укам иситмалай бошлади. Унга ўзимизча «исикни туширадиган дори» бердик, кор қилмади. Ахири, «03-га» кўнғироқ қилдик. Зудлик билан «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Малакали ҳаким Янгилжон Кодирова ва шифокор Дилфуза Мамедова бир лаҳзадаёқ тўғри ташхис қўйдилар. Укам қизамикча чалинган экан. Уни Ҳамза туманидаги 7-болалар юкумли шифохонасига олиб бордик. Дам олиш куни бўлишига қарамай навбатчи шифокор Забиҳа Абдуллаева ва ҳамшира Манзура Расулова, энага Моҳири Турдиоҳуновалар илиқ кутиб олдилар. Сариштагина палатага жойладилар. Инсон саломатлиги йўлида уззу кун қурашадиган шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан укам тез орада соғайиб чиқди. Жонимизга оро кирган азиз саломатлик посбонларига миннатдорчилик билдираимиз.

Шу ўринда, куюнча шифокор Янгилжон Кодированинг «Тез ёрдам» машинасида кетаётиб айтган бир фикрини ҳам севишли газетамиз орқали қадрли ҳамшахарларга етказиб қўйишни лозим топдим.

Шаҳримиздаги кўп қаватли уйлар эшигига баъзилар хонадони рақамини ёзмас экан. Натижада «Тез ёрдам» каби сизга нажот бериш учун атай ахтариб келганлар ҳам анча овора бўлишаркан.

— Бир-иккита хонадонда рақам бўлмаса, бошқасига қараб бунисини аниқлаб олса бўлар, — дейди Янгилжон опа. — Аксарий уйларда бутун йўлак (подъезд) бўйича бирорта рақам йўқ... Баъзи жойларда ҳатто кўчанинг ва ўша кўп қаватли уйнинг ҳам на номини, на рақамини аниқлаб бўладилар. Уни сўраб-суриштириб аниқлаунча бемор қанча азият чекишни тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ...

Дарҳақиқат, арзимасдек кўринадиган бу масала ортида ўзига яраша муаммо йўқ эмас. Кимнингдир жонига оро кириш учун елиб-югураётган «Тез ёрдам» машинаси ва саломатлик посбонлари аниқ манзилингизни тогунча шунча хуноб бўлишига бефарқ қарамасдан уйимиз рақамини дид билан ёзиб қўйсак — олам гулистон!

**Азиза УСМОНОВА, Собир Раҳимов тумани.**

### Дундаги гаплар

## САЛОМ — САМИМИЯТ ТИМСОЛИ

Халқимизнинг шундай умумбашарий қадриятлари борки, улар оқсоч мазийнинг олис маъволаридан куч-қудрат эмиб, бугунги замон талаблари билан ҳам баб-баравар муштараклик касб этган. Ана шулардан бири — саломлашиш ҳисобланади. Кези келганда таъкидлаш жоизки, дунёнинг ҳеч бир ерида ўзбеклардек илиқ саломлашадиган, шу мухтасаргина мулоқат асосида ота-она, қариндош-уруғ, ёру биродарлар ҳақида сўраб-суриштирадиган, ўқсик дилларга далда беришни фарз деб биладиган халқ бўлмаса керак. Шу боис бот-бот тақорланадиган «Авал салом — баъдас калом» деган нақлнинг маъзани бир қадар тушунгандек бўламиз.

Бирок кейинги пайтларда айрим ёшларимиз саломлашишнинг қонун-қоидаларини ҳамин қадар тушунишди. Ўзидан ёш жиҳатдан анча улуғ инсонларга салом бериш, дуо олиш хотирдан фаромиш бўлаётганлиги эса ой билан кундай равшан, албатта. Киши кўнглига тикандек қаттиқ ботиб, инсон қалбини вайрон этадиган бундай кўнглисизликларнинг асл моҳияти нимада, деган савол сиз-у бизни қизиқтиради. Ҳа, бунинг ўз сабаблари бор. Айтиш керакки, ёшларимизнинг аксари хорийиқ сериаллар қулига айланиб улгурди. Бунинг оқибатида керак-нокерак нарсадан фарқи бормайдиган ўғил-қизлар ҳақиқий ўзбекона турмуш тарзидан ортагача келишиб бормоқда. Кечаги тулпа-тузук Лоланинг гап-сўзларига русча аралашган... Кийим-бош мексиканча... Яъни ўзгани эмас, ўзини алдаб улгурган «Лолита» кўз олдингизда намоён бўлади. Бундай гайриинсоний кўргилликлар (!) оқибатида тилни назар-писанд этмаслик, алапоқибат, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган салом-аликча нисбатан ўғай кўз билан қараб келмоқда. Яна бир тоифа «янги» ўзбеклар пайдо бўлмоқдаки улар «бир-бирини» «салям» тарзида салом бераётганлигига нима дейиш мумкин.

Шу маънода бизнинг ўзбекчиликда саломлашанинг бундай беъмани шакли қандай пайдо бўлаётганлигини ақлга сиғдириш қийин. Тахрибатли арабшунасларимизнинг таъкидлашича, соф араб тилига хос: «Ассалому алайкум»ни бузиб, «сомайлайкум» тарзида талаффуз этилганда «сизга ўлим тилайман» деган маъно англашиллар экан.

Мана сизга ўйлаб айтилмаган сўзининг фожеаси, оқибати. Шулар ҳақда фикр юритар эканми давримизнинг ардоқли адибларидан бири айтганидек, «чипор миллат»га айланиб бормаямпизми, деган ҳадик, хавотир шууримизни тумандек чулғаб олади.

Айтишларича, узоқ йиллар Хоразм тахтини идора этган шох Феруз базму жамшидларда хонинг қилувчи ҳофизу гўяндларга катта талаблар қўйган. Мумтоз адабиётнинг йирик билимдони, ўзи ҳам дурустгина ғазал битиб турадиган ҳукмдорнинг бундай алфозда иш тутиши табиий ҳол эди. Қатъий тартиб, хонинг ҳукмидан бўйин товлай олмаган санъаткорлар Комил Хоразмий, Шермухаммад Мунис, Муҳаммад Ризо — Оғаҳий ашъорлари билан айтилаётган қўшиқларни завқу шавқ билан қўйлаганлар. Мухими ғазалдаги бирор сўзни бузиб ижро этишга ҳар жиҳатдан ҳадди сиймаган. Агар ижрочилардан бири билиб-билмай хатога йўл қўйса, уларни дарра заҳми, ёки зиндон азоблари кутарди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аждодларимиз эслар мобайнида хазрати СўЗ олдидаги масъулятини чуқур ҳис этишган. Мутафаккир шоир Алишер Навоий ёзгандек: «Инсонни сўз айлади жудо хайвондин. Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин», деган ўта ҳаётий, фалсафий хулоса мисоли бонгдай жарағлаб; адабиёт, хибзу лисоният тарафдорларини доимо огоҳлик, сергақликча чорлаб турган.

Хулоса ўрнида бир сўзни таъкидламоқчимиз: тилга, салом-алиқнинг азалий қонун-қоидаларига содиқ қолайлик. **Ҳумоно АЛИЕВ**

Истиклол шарофати билан шаҳримиз тобора ғўзаллашиб ўзгача қиёфа касб этмоқда. Киши кўзини қамаштирвчи замонавий иншоотлар бунёд этилмоқда, йўллар таъмирланмоқда. Транспорт ва пивдалар қатновига қулайлик яратиш мақсадида кўприклар қурилмоқда. Дарвоқе, иқтисодиётини бозор талаблари шароитида ривожлантириш мақсадида турли хил кўшма корхоналар, супермаркетлар фаолият юритаётганлиги эса қувонарли ҳол.

### Хат-хатларни қайталаганга

## МУТАСАДДИЛАР ЎЙЛАБ КЎРИШАР

Лекин, ушбу хайрли ишлар қаторида ҳали бажарилиши лозим бўлган вази-фалар ҳам талайгина эканлиги кундек равшан. Келинг, гапни кўп чўзмай, индаллога ўта қолайлик.

Ўқорида аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатаётган супермаркетлар ҳақида тўхталик. Аммо...

Ҳамма гап ана шу «Аммо-да. Ҳар куни ишга, бозорга ёки ўқишга кетаётганда автобус бекатлари ёнида қурилган минидўконларга кўзингиз тушганими? Албатта хусусий тадбиркорлар томонидан бунёд бўлган ушбу дўконларнинг қўлчилиги аҳолига намунали хизмат кўрсата-пти. Бунга гап йўқ. Бирок, тан олиш зарурки, кўпгина бекатлардаги бундай дўконлар фаолияти қонқорлики даражада эмас. Биргина мисол. «Ассалому алайкум»ни бузиб, «сомайлайкум» тарзида талаффуз этилганда «сизга ўлим тилайман» деган маъно англашиллар экан.

Мана сизга ўйлаб айтилмаган сўзининг фожеаси, оқибати. Шулар ҳақда фикр юритар эканми давримизнинг ардоқли адибларидан бири айтганидек, «чипор миллат»га айланиб бормаямпизми, деган ҳадик, хавотир шууримизни тумандек чулғаб олади.

Айтишларича, узоқ йиллар Хоразм тахтини идора этган шох Феруз базму жамшидларда хонинг қилувчи ҳофизу гўяндларга катта талаблар қўйган. Мумтоз адабиётнинг йирик билимдони, ўзи ҳам дурустгина ғазал битиб турадиган ҳукмдорнинг бундай алфозда иш тутиши табиий ҳол эди. Қатъий тартиб, хонинг ҳукмидан бўйин товлай олмаган санъаткорлар Комил Хоразмий, Шермухаммад Мунис, Муҳаммад Ризо — Оғаҳий ашъорлари билан айтилаётган қўшиқларни завқу шавқ билан қўйлаганлар. Мухими ғазалдаги бирор сўзни бузиб ижро этишга ҳар жиҳатдан ҳадди сиймаган. Агар ижрочилардан бири билиб-билмай хатога йўл қўйса, уларни дарра заҳми, ёки зиндон азоблари кутарди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аждодларимиз эслар мобайнида хазрати СўЗ олдидаги масъулятини чуқур ҳис этишган. Мутафаккир шоир Алишер Навоий ёзгандек: «Инсонни сўз айлади жудо хайвондин. Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин», деган ўта ҳаётий, фалсафий хулоса мисоли бонгдай жарағлаб; адабиёт, хибзу лисоният тарафдорларини доимо огоҳлик, сергақликча чорлаб турган.

Хулоса ўрнида бир сўзни таъкидламоқчимиз: тилга, салом-алиқнинг азалий қонун-қоидаларига содиқ қолайлик. **Ҳумоно АЛИЕВ**

**Раҳматилла ФОЙИБАЗАРОВ**

# Ошма даврасида

сўхбатлар

## ҲИКМАТАН СЎЗЛАР

- Ёлғоннинг оёғи калта. Бу — ҳаққат ёғочёқда юрсин дегани эмас.
- Калта ақлдан калта шим афзал.
- Ҳаммага маълум нарсаларга сирли тарзда муносабатда бўлиш кибру-хавонинг сеvimли ишдир.
- Ялқовликнинг илдизи — бекорчиликдир.
- Овқат келгандан сўнг қошиқ танама.
- Каердаки гап кўп бўлса, ўша ерда фикр кам бўлади.
- Исбот чўзилиб кетса, фараз шубҳа остида қолди, деяверинг.
- Нарвонни фойдаланилаётганда тузатмайдилар.
- Барчага маълум нарсаларни гўё янгилик деб кўрсатиш ўзига бино кўйганларнинг сўйган машғулоти.
- Оқддий нарсани тушуниб бўлмайдиган қилиб тасвирлаш аҳмоқнинг ақллигидир.
- Эзма нотик бир оёқда сўзлагани маълум.
- Хотира — паршонхотирликнинг узвий шаклидир.
- Ҳақиқатга қарши курашда барча ёлғонлар бирлашади.
- Ҳақиқатга эришиш — хамирдан қил суғуриш эмас.
- Фикр чўзилиб кетдимми, кучини йўқотди, деяверинг.
- Чақирилган меҳмондан ёмонлик кутма.
- Имконият — воқелик мезонидир.
- Моддий мўл-кўлчилик олдига эҳтиёжлар мўл-кўлчилиги ҳам ҳосил бўлади.
- Нур бўлмаса, соянинг суратини чизиш амри маҳол.
- Амалиётда ишнинг юришиб кетиши ҳар доим ҳам назария шарофатидан эмас.
- Кўп ҳолларда хатоларни тополмай қоламиз, чунки уларни каттароқлари ютиб юборган бўлади.
- Ҳузурни ўтга-чўққа уришлар кўпична қоқилишга олиб келади.
- Аҳмоқларгина шамолга қараб туғлайдилар.
- Кимда-ким сукат сақлашни билмаса, оғзига эҳтиёт бўлгани маълум.
- Хушчакчақлик — хушмуомалаликнинг табиий мундарижасидир.
- Катта даврлар кичик ғурбатлар билан боғланган бўлади.
- Тарих илгариланган сайин, баъзан шакл мазмундан орқада қола бошлайди

Мирзали АКБАРОВ,  
тайёрлаган.

Аҳмаддон ўғил кўрди. Ўша топда у қувончдан ўзини кўйгани жой тополмасди. Унинг шўхлик қилгиси, кўринган таниш-билишларни кўчқоқлаб, ўлиб, қувончини улар билан баҳам кўргиси келарди. Хаёлига тўсатдан келган бир фикр уни ишхонаси томон етаклади. Хали иш кунни тамом бўлишига ярим соат вақт бор. Жадал юрса, ўн дақиқада етиб боради ишхонасига.

Ҳамкасблари бу хушxabарни эшитиб Аҳмаддонни ўраб олишди. Кимдир кўлини сиқди, биров табриклади, биров уни кучиб ўлди. Бир четда туриб бу воқеани кузатаётган Карим қилтириқ (у ўлгудек озгин бўлгани учун ҳамкасблари шундай аташади). «Хозир ювасан» деб Аҳмаддонга ёпишиб олди.

Аҳмаддон ноилжол қолди. Бу тақлифини инкор этишини сира иложи йўқ. Лекин ҳўп дейишга ҳам тили бормасди. Чунки унинг ёнида тузук-куруқ пули йўқ эди. Йигитнинг иккиланган туришидан максадни тушуниган Карим ёнидан шарт бир даста пул чиқариб унга тутди.

— Пулинг бўлмаса мана буни ол. Кейинги ойликда берарсан. Ёнингда биздек дўстларинг бор, асло ҳам ема. Анчадан бери ўтиришмадик. Чақалоқ баҳона бир ёзилишга қолайлик дейманда, ўғил бола.

Бу фикрга баъзилар қарши чикди. «Ахир ўтириш бўлса қочмас, кейин бамаслахат бўлар», дейишди. Лекин қилтириқ «бунинг ишн эртага қўйма» деган гап бор деб, ҳеч кимга сўз

бермади.

Чойхонада базми-жамшид қилиб кетди. Аввал Аҳмаддонга, кейин унга «кўчқордек» ўғил туғиб берган рафиқасига, ниҳоят чақалоқ Алишерга (улфатлар унга шу ернинг ўзида шунанга ном беришди) узок умр, сиҳат-саломатлик тилашди.

### Турмуш гофрахоналарида

## ҚУВОНЧ КЎЗ ЁШГА АЙЛАНМАСИН

БУ КЎНГИЛСИЗ ВОҚЕАГА «ЮВИШ» БАҲОНА БЎЛДИ

Қиёматли дўстларининг қалб сўзларидан хаяжони ортиб, уларга бўлган меҳри тобора жўшиб бораётган Аҳмаддон ичкилик учун пулни аямади. Тўрт-беш шиша бўшатилгандан кейин кайфи ошиб қолган дўстлар энди бир-бирларига сўз бермай қолишди.

— Менга кара, — деди ичкилик зўридан тинимсиз хижоқч тутаётган Ҳамид исмли йигит Аҳмаддоннинг ёқасидан тортиб. — Сен менинг укам бўласан-а? Йўқ, йўқ тонма. Укам бўласан. Ишхонага биринчи келганимда мен сенга устозлик қилганман, тўғрими?

— Ҳов найнов, унинг хақиқий устози менман. Ахир ўзинг айтсангчи, Аҳмаддон, — сўз олди қилтириқ.

Шу тобда Аҳмаддон кимга нима дейишини билмай гаранг эди.

— Тўғри, иккалангиз ҳам устозимсиз, — деди у ҳеч ким-

нинг кўнглини қолдиргиси келмай.

— Ие, бу нима деганинг номард. Ҳов эсингдами, эшикдан елка сиқиб кириб келганимда биринчи бўлиб ким сени қарши олган.

— Ахир ўшанда...

Аҳмаддоннинг гапи оғзида

зи урф-одатлар кундалик ҳаётимиздан тобора сиқиб чиқарилмоқда. Лекин баъзи ёмон иллатларимиздан воз кечолмаётганимиз ҳам ҳақиқат. Шулардан бири биз ҳижоорида ҳижоқ қилган «ювиш» деган ноҳиоз талабдир. Инсон ҳаётида учраётган тасодифий кўнгилисиз воқеаларнинг кўпчилиги ана шу «ювиш» сабабли содир бўлаётгани кишини ташвишга солмай қўймайди, албатта. Лекин минг афсуски, ичкиликка ружу қўйган баъзи кимсалар «ювиш» деган иллатдан воз кечишолмаяпти. Баъзи жамоаларда бунинг учун баҳона излайдиганлар ҳали-ҳамон учраб турибди. Жумладан, янги ишга келган ишчи ёки ходим биринчи маошини ювиши керак. У мустақил ишга ўтгач, ихчам даврада яна бир бор «эрийди». Баъзилар эса то кўлидан иш келгунга қадар вақти-вақти билан устозининг «сўхбатини» олиб туриши керак. Бу қандай гап ўзи? Назаримизда бу кўри-нишлар таъмагирликнинг бир турини эслатади бизга.

Албатта инсон ҳаётида яши кунлар бўлади. Бундай вақтларда қувончнинг, муваффақиятнинг ўртоқлашинг келадди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам меъёр деган чегарадан чиқмаслик керак. Ана шу меъёр деган сўз унутилган жойда, кўпична кўнгилисиз ҳодисалар содир бўлади.

Мақсуд ОРИПОВ

Мақсуд ОРИПОВ

Ҳаёт ширин, турмуш фаровон, гўзал замонамизга ёт баъ-

## НОН УШОҒИ

КАТРА

Ёш эдик, бебош эдик. Эрта-лабдан кечгача сигир боқиш баҳонасида кўча чангитиб, тўп тепардик. Кечкурун хориб-чарчаб уйга қайганимда ойим тандирдан бўрсилдоқ нон узаётган бўларди. У кўлимга кулча нон тутқазаркан, ушогини ерга тўкмаслик кераклигини қайта-қайта уқдиран, агар ерда нон ушогини қуриб қолгудек бўлса, дарҳол уни кўлига олиб, ўпиб пешонасига суртардикда, мени қаттиқ қойиб берарди. Баъзан танбех меъёридан ошиб кетса ойимнинг «зиқна»-лигидан хунобим чиқарди.

Бу «зиқна»-ли сабабини катта бўлганимда тушундим. Бир кун кечкурун уйга келсам ўғлим хафа. Қариб, мункиллаб қолган ойим томонга аста-аста «ёв қараш» қилиб қўяди. Сабабини билсам ойим набирасига ҳам «зиқналик» қилибди.

— Тирмизакни кара, — деди ойим куюниб менга. — Кўлидаги нон парчасини ҳай-ҳайлашимга қарамай, деразадан хов-

лига улоқтириб юборди-я.

— Қотган нон эди, ўшанга ташладим, — деди ўғлим ўзини оқлаб.

— Ахир даданг пешона териси билан толган нонни нега отасан десам, дадамнинг пули кўп, нон олиб бераверади. У сизга ўхшаб «зиқна» эмас дейди.

Ўшанда ойим беш яшар ўғлимга роса танбех берганди.

Бу йил ўғлим мактаб ёшига етди. Тунов кун бу «катта йигит»нинг уч яшар укасини кулоқ чўзма қилаётганининг устидан чиқиб қолдим.

— Бунингизни қаранг, — деди у менга, — нон ушогини ерга тўкма десам, менга бақиряпти.

Негадир кўнглим бўшашиб кетди. Болаларга бир оғиз сўз айта олмай ойим хўзурига кирдим. У оппоқ чойшаб билан қопланган ўринда беҳол ётарди. Индамай бориб ёнига чўқдимда, пешонасидан ўлдим. Қани энди ҳамма оналар ҳам ойимдек нон «зиқна»-си бўлса.

Назм

### АСРАГИН

Ё раб, эсан эл томон боди қазодин асрагин.  
Банда бошига тушар ногоҳ балодин асрагин.  
Тақдирин азал не битмиш ўзга ҳарф битмак гуноҳ,  
Беписанд, шак келтирувчи беҳаёдин асрагин.  
Ҳар гиёҳ мавжудот кўрсин умрлар безавол,  
Навиҷоҳлу сарвақдларни асодин асрагин.  
Пирн қомиллик насиб этсин мўдум ҳар бандага,  
Ҳонабодлик ато эт гамазодин асрагин.  
Уйламай боссан қадимлар сарҳисоби бор аниқ,  
Бор гуноҳу маъжудот чун ҳақ-жазодин асрагин.  
Бу адам саҳрсодиин манзил сари қарвон ўтар,  
Кўп қатори қўлла мен қулни хатодин асрагин.  
Еру осмонда шафқат нури ила ёрит дилим,  
Ою юлдусиз қоронгу ул фазодин асрагин.  
Дину миллат, эътиқод бозорид сар сотса ким,  
Дер Забиҳилло: «Бу янглиғ баднамодин асрагин».

Забихилло НУРИЛЛО

Шарқ дурдоналари

### Оз-Оз Ўрганиб Дому бўлур...

• Эй, азиз сен доимо олим ва фозил кишилар билан ҳам суҳбат бўлишга интил, нодон ва ёмон ниятли кишилардан қоч, уларнинг тоифасига қўшилма, сўзларини эшитма! Сен юқоридаги ҳижоатни ўқидинг, унинг мағзини чақ, яхши дўстлар топишга урин, улар сени доимо қўллаб-қувватлайдилар!

• Келтиришларича, Бани Исроил қавми орасида бир киши бўлиб, у дарё сафарига чиққан эди. Ногоҳ қаттиқ шамол кўзгалиб, кема қояга урилди ва кемадаги кишилар фарқ бўлди. Ҳалиги киши эса кемадан ажралган бир дона тахтага илиниб, қирғоққа чиқша муваффақ бўлди. У қирғоқда тўлланиб турган амир ва вазирилardan иборат бир тўда отликларни кўрди. Отликларнинг кўзи ҳалиги кишига тушиши биланок, барчаси отдан тушиши ва унинг устига шохона хилқатлар ташлашиб, иззату икром билан шаҳарга олиб келиб, салтанат тахтига миндиришди. Ҳалиги киши таажжубланиб ўзича: «Ё тавба, бу қанақа сир бўлди», дерди.

У бир неча кун дам олиб ўзини ростлаб олгач, хаёлга чўмиб деди: «Улим чангалдан кутилиб, салтанат тепасига чиқиб қолдим. Ҳарқалай тирик қолганимга шукр қилмогим, бундан кейин аҳволим не кечиниши ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўрмогим зарур».

У шундай деб вазирилardan орасида энг дон вазирилardan вазири йўқлатди. Уни ўз сирларидан хабардор қилди. Вазир ҳам уни мамлакат сирларидан воқиф қилиб деди: — Бу халқнинг ҳар йилда тайин қилган бир кунни бўлиб, ўша кун барчаси тўлланишга ва подшоини тутиб олиб шаҳар четидан ўтувчи катта дарёга улоқтиришади. Эртасига эса узокдан келаётган мусофирини тутиб олиши ва тахтага ўтказадилар. Унга эса бу сирни ошқора қилишмайди. Ҳар йили шу аҳволни тақдорлайдилар!

Подшо деди: — Эй вазир, ҳозир кўлимизда имконият борлигида бу балодан қутулишимиз даркор. Чорасини то!

Вазир ўйланиб туриб деди: — Дарёнинг нариги бетида бир чангалзор бўлиб, доимо кўм-кўк бўлиб туради. У ерда ҳеч ким яшамайди. У ерга уста ва боғбонлар юборайлик, улар чиройли бинолар барпо қилишсин, атрофини боғ-роғларга айлантиришсин. У ерга ушар матолар ва бойликларни юборамиз. Сузувчи гуломлар ва кема-созларга эса кема ясатиб қўямиз. Сеннинг подшоҳлик муҳлатинг туғашидан олдинроқ мен у ерга бораман. Кема ва сузувчиларни юбориб, сени қутқариб олам!

Эртасига халқ подшоини тутиб дарёга улоқтирдилар. Вазир томонидан тайёрлаб қўйилган гаввослар подшоини тутиб олиб, кемага чиқарадилар ва янги шаҳарга элтдилар. Подшо, вазир ва у ерга олиб борилган халқ осойишта ҳаёт кечира бошладилар.

Саҳифа материалларини  
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлади.

Бу — қизик

**АБУ-ҚУР  
ТОПИЛМАСИ**

Миср-француз мутахассисларининг ҳамкорликдаги экспедицияси Александрия шаҳрида — Абу-Қур бўғозидан Наполеоннинг бир вақтлар чўкиб кетган «Орьян» номли кемаси қолдиқларини сув остидан чиқариб олишга муваффақ бўлди.

— Экспедиция давомида эскадрилья кўмондонлиги жойлашган кеманинг баъзи намуналарини қўлга киритишга муваффақ бўлди, — деди Миср Араб Республикаси Обидалар департаментининг бўлим mudiri Абдулла-ал-Аттор. — Экспедиция бир неча босқичда ўтди.

Катта ванна. Унда қорамтир суюқлик қўпиқлиниб турибди. Ваннада бош суяк ва бошқа суяклар маълум услубда тасвирланган. Шунингдек, суюқлик ичига темир тўрға ўроғлик қандайдир нарса ҳам солинган. Бу «Орьян» кемасидан олинган замбарак эди. Яна шундай иккита замбарак сал нарироқдаги ваннага тозалаш учун солиб қўйилган эди.

Бизни топилмаларни тозалашнинг механизми қизиқтирди.

— Ускунамнинг ҳаракати электролизга асосланган, — дея изоҳ беради — экспедициядаги француз вакили Жак Молиссон. — Бу усул натижада таъмирланаётган нарса анодга, унинг сиртидаги қоплама тўр эса катодга айланади. Топилмаларни ҳали сиз кўрган махсус суюқликка бир неча кун ташлаб қўямиз. Шундан кейин уни тозалаш худди ёнғоқни пўстидан артгандек осон тозаланаётган нарсанинг бирти шикастланмайдиган.

— Ҳўш, сув тағида қолган «Орьян» ва «Патриот» кемаларининг тақдири нима бўлади? — «Патриот» кемасининг тақдири мураккаб, — деди саволимизга жавоб қайтараркан доктор Абдулла-ал-Аттор. — Сув тўққини ва тўфонлар оқибатида кеманинг қимматли қисмлари отилиб, лойқалар орасига қўмилиб кетган. Булардан қидириб топилмади аммо. «Орьян» эса яхшироқ сақланган, уни сувдан қўтариб чиқишга умид бор.

Шундай қилиб, Абу-Қур бўғозидаги экспедициянинг иккинчи босқичи тамом бўлди. Бу босқич давомида сув тағидан икки юздан ортиқ ҳар хил нарсалар олинди. Булар орасида, ҳали айтганимиздек, замбараклар, танга пуллар, шу жумладан тилла тангалар, кема арқонларини узишда ишлатиладиган (полвонлар кўтарадиган тошлар шаклидаги) ядролар ва бошқа нарсалар бор.

Хабарингиз

борми?

**ҚУШЛАР  
САМОЛЁТГА  
ҚАРШИ**

Габороне /Ботсвана/ аэропортига қўнаётган авиалайнер сал бўлса ҳалокатга учрай деди.

Гап шундаки, аэропортдаги радиостанциянинг антеннасига қушлар галаси ёпирилиб келиб қўнган. Натижада учувчилар диспетчернинг берган кўрсатмаларини қабул қила олмаганлар. Мураккаб вазиятдан экипаж аъзоларининг моҳирлиги тўфайлигина қутулиб қолишган. Бу биринчи воқеа эмас. Нима учундир қушлар галаси бу антеннага тез-тез «хужум» қилиб туришади.

«Халқаро оила» кун муносабати билан шахримизнинг барча гўшаларида турли хил тадбирлар, учрашувлар, мусобақалар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Собир Раҳимов туманидаги «Истиклол» спорт мажмуасида хотин-қизлар спартакиадаси ўтказилди.

Соғлом турмуш тарзи

**ТУМАНДА АЁЛЛАР  
СПАРТАКИАДАСИ**



Тадбирни туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, «Соғлом авлод учун» жамғармаси туман таъинч пункти ва бошқа бўлимлар ҳамкорликда ўтказдилар.

— Оила муқаддас даргоҳ, — дейди туман ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Муқаддам Расулова. — Унда ўзбекона кадрлиқлари, урф-одатларимиз, миллий анъаналаримиз муҳим. Қачонки оилаларимиз тинч, фарзандларимиз соғлом, қарияларимиз омон бўлишса, ҳаётимиз фаровон, кунларимиз нурафшон кечади. Туманимизда Халқаро оила кунини нишонлаб бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Маҳаллаларда намунали оилаларни, қайнона ва келинларни тарғиб қилиш мақсадида «Ибратли оила» мавзuida кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ниятимиз оилалар тинчлигини муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш, оилада тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар, ёшларнинг яшаш шароитларини янада яхшилаш ва уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

«Истиклол» спорт мажмуасида туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси, оилавий поликлиникалар шифокор-

лари ва ҳамширалари иштирокида ўтказилган мазкур спартакиадада жами 105 нафар хотин-қизлар ўзаро беллашди. Мусобақалар шахмат-шашка, стол тенниси, волейбол ва эстафета бўйича ўтказилди.

Спорт мусобақаларида шахмат-шашка бўйича 52-оилавий поликлиникадан Ш.Файзиёва, стол теннисда 54-оилавий поликлиникадан З.Дўстжонова, волейбол бўйича 54, 33, 4, 42-оилавий поликлиникадан шифокор ва ҳамширалари голибликни қўлга киритишди.

Эстафета югуриши бўйича Н.Асомова, Д.Шаронова, М. Шедасова, З.Эгамохуновалар голиб деб топилдилар.

— Мусобақада иштирокчиларнинг барчаси ўзларининг бор маҳоратларини намойн қилдилар. — дейди «Намуна» спорт мажмуаси директори, ҳайъат раиси Жаҳонгир Гўсов. — Уларнинг орасидан голибларни саралаб олиш осон кечмади. Чунки ҳар бир иштирокчи астойдил ҳаракат қилди.

Голибларга туман ҳоқимлиги, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ва Қизил Ярим Ой жамияти туман бўлимининг эсдалик совғалари ва совринлари топширилди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: спартакиада мусобақаларидан лавҳалар.

— Аёзда қолгандек, жимирлаб этим, Дардни дилим билан англадим баҳам.

Шоирнинг бу сатрлари гуриллаб юрган маҳалида оғир дардга йўлиқиб, оёқлари ўзига бўйсунмай қолган инсон Зуҳра Раҳматуллаевага ҳам тегишли. Зотан, инсон фарзанди иродаси юксак, метин қалб соҳиби бўлсагина турмуш чоррақаларидаги қоқилишлардан чўчимади: ўзини бутунлай тақдир измига ташлаб қўймайди.

Умидсизликка тушмади. Хаста кўнгли худди ўзига ўхшаш меҳрга, саховатга ташна дилларни қувонтиришга аҳд қилди. Шу боис, унинг хайрли саъй-ҳаракатлари билан Яққасарой туман ҳудудида «Тошкент шаҳар ногирон болалар ва аёллар маърифат, маънавият маркази» ташкил топиб, алоҳида химояга муҳтож ўғил-қизлар ва аёллар ҳаётга йўлдан ола бошлади.

Хайрли ишнинг эрта-кечи бўлмади деганларидек, дастлаб, ёғоч ўймакорлиги,

юмшоқ ўйинчоқлар, рассомлик ва кўлочилиқ бўйича 250 дан ортиқ ногирон болалар, аёллар махсус курс-

сингари мураббийлар уларга ҳунар ўргатиш баробарида, хорижий тиллар бўйича ҳам билим ва малакалар бера

ҳамкорликда очилган компьютер синфини тамомлаган 150 нафар ўқувчига сертификатлар берилди.

Марказнинг илмга чанқоқ, ҳунар эгаллашга собит 3 нафар ёшлари шаҳар миқёсидаги «Зукко авлод» танловига зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги ҳамда рассомлик йўналишларида қатнашиб, Фаҳрий ёрлиқлар билан тақдирланишди. Кези келганда шунга айтиш керакки, марказнинг бундай ютуқларга эришишида Болалар жамғармаси, «Tufin», «Motorolla» ҳамда «LING» қўшма корхоналарининг хизматлари беқийс бўлди.

Қаҳрамонимиз етакчилигидаги марказ фаолияти ҳақида илиқ гапларни айтиш мумкин. Бундай хайрли ишларнинг бошида турган З.Раҳматуллаева сингари қалб қайноқ, ўзгаларга меҳр улашиб яшайдиган инсонлар ҳақида қанча гапирсак, шунча оздир.

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ  
СУРАТДА: марказ фаолиятдан лавҳа.

Шундай оғатлар бор

**МЕҲР ТАФТИ ДИЛЛАРГА  
МАЛҲАМ**



ларга жалб этилди. Шу билан бир қаторда М.Содиқова, С.Юсупова, О.Асомов

бошлади. Секин-аста ишлар юришиб Американинг IREX халқаро ташкilotи билан

**Спорт**

**ЭНГ КУЧЛИЛАР ШОҲСУПА ТҮРИДА**

Оғир атлетика бўйича мусобақалар ишқибозларда доимо катта қизиқиш уйғотиб келади. Зеро, улкан вазнлар забот этилувчи ушбу спорт тури бўйича ўтказиладиган турнирлар ҳаяжонли ва қизиқарли лаҳзаларга бой бўлади, рекордлар ўрнатилади.

Навоний вилоятининг Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича мамлакат чемпионати ҳам ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда ўтди. Унда деярли барча етакчи спортчилар қатнашиб, ғалаба наҳидасини сурди.

Натижалар тўғрисида тўхталадиган бўлсак энг оғир вазнларда ўз маҳоратларини кўрсатган кўта, жаҳон чемпионатлари ва Олимпиада ўйинлари иштирокчилари бўлиши Александр Уринов ва Игорь Халиловлар ҳамон энг кучлилардан эканликларини исботлашди. Жумладан, 105 килограммгача полвонлар ўртасида куч синашган А.Уринов даст кўтаришда 175, силтаб кўтариш машинада эса 210 килограммлик вазнларни забот этгани ҳолда иккикураш бўйича 385 килограмм натижа кўрсатгани ҳолда Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритди.

Энг тажрибали оғир атлетикачиси Игорь Халилов 105 килограммдан юқори вазндаги иккикураш натижасига кўра 420 килограммлик вазни буйсуқдирган ҳолда голиблар сифтини бошқарди.

**ПОЛВОНЛАР БАҲС ЮРИТДИ**

Юртимизда ўзбек кураши билан бир қаторда белбоғли кураш ҳам жадал ривожланмоқда. Жойларда кўплаб маҳоратли полвонлар етишиб чиқмоқда.

Паркент туманида белбоғли кураш бўйича ўтказилган иририк мусобақада ҳам республикамизнинг кўлгина вилоятларидан келган белбоғли кураш усталари бел олишди. Унда полвонлар саккизта вазн тоифасида ғалаба учун кураш олиб бордилар.


Деярли барча вазнларда голибликни майдон эгалари — Тошкент вилояти полвонлари кўлга киритишди. Фақат 100 килограммгача вазнда омад пойтахтлик Шерзод Мирзаёвга кулиб боқди.

(Ўз мухбиримиз)


Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги Т.Умаров номи 99-ўрта мактаб томонидан Искандаров Тохир Хайитбоевич номига 2003 йилда берилган O'R A 1424 828 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтининг маъмурияти ва жамоаси, фалсафа ва иқтисодий назария кафедрасининг ходимлари доцент Р.И. Умрзоқованинг падари бузуқворни **ИБРОҲИМ отанинг**

вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.



**Каратэ**



**ГОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ**

Шаҳримиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида уч кун давомида каратэ бўйича клублар ўртасида Ўзбекистон очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика каратэ миллий федерацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақаларда нафақат юртимиз, балки Россия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Украинадан 1987-97 йилларда туғилган мингдан ортиқ болалар ва ўсмирлар, қизлар ката ва кумитэ йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этиб ғалаба учун кураш олиб боришди.

1996-97 йилларда туғилган болалар ўртасида ката баҳсларида Андижон жамоаси голиб чиққан бўлса, иккинчи ўрин ҳамшаҳарларимизга насиб этди.

1994-95 йилларда туғилган ўсмирлар баҳсида эса барча учта совринли ўринларни шаҳримиз клублари эгаллашди.

12-13 ёшли болалар турнирида пойтахт клубига иккинчи ўрин насиб этди.

1990-91 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида 1 ва 3-ўринларни шаҳримиз клублари эгаллаган бўлса, хоразмликлар иккинчи бўлишди.

1987-89 йилларда туғилган энг ёши катталарнинг ката мусобақаларида Тошкент,

«Билол» ва «Йўлбарс» клублари зафар кучишди.

Қизлар ўртасида 1996-97 йилларда туғилганлар баҳсида Андижон ва Самарқанд клублари пешқадамлик қилган бўлса, шаҳримизнинг «Билол» жамоаси учинчи ўрин билан кифояланди.

Кумитэ йўналиши бўйича ўринлар куйидагича тақсимланди.

14 ёшли ўсмирлар ўртасида юртимизнинг «Ёш куч» командаси голиб чиққан бўлса, кейинги ўринлар Тожикистон ва Қирғизистон клубларига насиб этди.

15 ёшга тўлган ўсмирлар баҳсида Тошкент жамоаси учинчи бўлди.

1987-89 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Қорақалпоғистон вакиллари голиб чиқди. Бунда тожикистонликлар иккинчи ўринни эгаллашди.

Барча голиб ва совриндорлар медаллар, дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТЛАРДА: турнирдан лавҳалар. Алексей Попов олган суратлар.**

**«Камолот»**

**ТУМАН БЎЛИМИ ТАШАББУСИ БИЛАН**

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани бўлими ташаббуси билан Тошкент молия институти қошидаги лицейда футбол бўйича мусобақа ўтказилди. Унда 200 нафар ўқувчилар «Камолот» кубоги учун курашди.

Шунингдек, ушбу ташкилот Қизил Ярим Ой жамияти, туман ҳокимлиги билан биргаликда 42 та мактаб санпостчилари ўртасида «Саломатликнинг ёш дўстлари» танловини ташкил қилишди. Бунда 15 та жамоа барча шартларни аъло даражада бажарди. Голиблар шаҳар босқичига йўлланма олишди.

Айни дамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани бўлими ташаббуси билан тумanning «Янги ҳаёт» маҳалласида «Соғлом танда соғ ақл» шiori остида спорт мусобақалари ўтказилди. «Камолот» фаоллари 150 дан ортиқ маҳалла ўғил-қизларини бирлаштириб, футбол, волейбол, баскетбол, арқон тортиш бўйича куч синашишга чақирди. Юқори натижаларга эришган қатнашчилар «Камолот»нинг эсдалик совғаларига эга бўлдилар.

Бундан ташқари Тошкент молия институти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод тумани бўлими билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қизлари» шiori остидаги «Бали қизлар» кўрик-танловини ташкил қилди. Бунда тўртта факультет қизлари мохирлик билан ўз ўқув юртиларини таништириб, соҳаларида нималарга қодир эканликларини кўрсатишди. Иштирокчилар пандалик маҳорати бўйича ҳам беллашди. Ушбу танловда молия ва бошқарув факультетлари қизлари голибликни кўлга киритишди.


**Гулбаҳор АЗИМОВА**

**Матнловлар**

**ЁШ ҚАЛАМКАШЛАР БЕЛЛАШАДИ**

Яккасарой туманидаги 25-мактабда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан «Нафосат» ёш қаламкашлар кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Ушбу кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда барча умумтаълим муассасаларида адабиёт кечалари, шоир, ёзувчилар билан мунтазам равишда давра суҳбатлари, мушоира кечалари ташкил этилмоқда. Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ҳам ижодкор ёшларни аниқлаш, Ватан туйғуси, Миллий истиқлол госясини улар оғига сингдириш, маънавий тафаккурини шакллантириш, қизиқиш доирасини ривожлантиришдир.



Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирда туман халқ таълими бўлимлари томонидан тавсия этилган, шаҳар бўйича илк мартаба қатнашаётган ўндан ортиқ иштирокчилар ўз ижод намуналари



билан қатнашди. Ижодий учрашув давомида энг яхши деб тан олинган, сараланган асарлар жамланиб, ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Уларнинг ижодий ишлари асосан публицистика йўналишида бўлиб, турли нашриётларда чоп этилганлиги эътиборга олинди.

Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой тарзда кечган кўрик-танлов якунида голиблар аниқланиб, фаол иштирок этган ўғил-қизларга эсдалик совғалари, Фахрий ёрлик ҳамда дипломлар топширилди. Улар орасида Яккасарой туманидаги 26-мак-

табнинг 9-синф ўқувчиси Мафтуна Эшонкулова назм йўналиши бўйича, Мирзо Улуғбек туманидаги 241-мактаб ўқувчиси Гулноза Аликулова наср, назм, публицистика йўналиши бўйича, Собир Раҳимов туманидаги 159-мактаб ўқувчиси Анна Касьянқонова мултак голиб деб топилди, республика босқичига йўлланма кўлга киритишди.

**Юлдуз УСМОН СУРАТЛАРДА: ёш қаламкашлар танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар.**

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**  
Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65;  
факс: (3712) 133-21-56.  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди.  
3009 нусxada босилди. Қозғо бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терили ва сақланади.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшамдорлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турани» кўчаси, 41-уй.

Бюртма Г-407. 1 2 3 4 6